



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 14 сентябрь, № 178 (5093)

Сешанба

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Сиз ва Ўзбекистон халқи Рамазон ҳайитини нишонлаётган ушбу қутлуғ айёмда Америка халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Борак ОБАМА, Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан таърифлаб берилган "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" принципини рўйбога чиқариш жамиятини муваффақиятли ўзгартиришнинг калити ҳамда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг устувор йўналишидир.

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА

Мазкур принципнинг ғоят муҳим қисми фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотариот ташкилотлар ролини оширишдан иборат. Бу ташкилотлар ижтимоий, социал-иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал қилишда ҳокимият органларининг ҳақиқий ҳамкорига айланиши керак.

(Давоми 2-бетда).

### «Келажак овози — 2010»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинётган «Келажак овози — 2010» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## БИЛИМ, ЗАКОВАТ ВА ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнаомлигида навақирон авлод вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар қалбидан юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил ва янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиладиганини эътироф этдилар. Бинобарин, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, улар иқтидорини юзага чиқариш, маҳоратли ўғил-қизларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида мазкур ижодий беллашув бекиёс аҳамият касб этмоқда. Шу боис кўрик-танловга қизиқиш йил сайин ортиб бораётир. Маса-

лан, биргина жорий йилда "Келажак овози" кўрик-танловидан Тошкент шаҳридан беш минг нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техника ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабий ижод ва публицистика номинациялари бўйича ўз билим ва сароҳиятларини намойиш этдилар. Улар орасидан эса 15 нафар иқтидор соҳиблари ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлди.

(Давоми 2-бетда).



## ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Баланд тоғлар бағридаги Ҳозгон деб аталувчи сўлим масканда ўзларининг мармларни довругини оламга таратаётган қадоқ кўлли кочилар, аjoyиб сангтарошлар яшаб меҳнат қилишади.

Пурвиқор дарахтлари, оромийон боғлари, меҳнат қилиб зарчармайдиган одамлар кишилари бор бу киш-лоқнинг. Айниқса, Истиклол йилларида Ҳозгон қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий мактаб, коллеж, спорт саройи қури-либ, ишга туширилди. Мармарбод маҳалласи бунёд этилди. Маҳаллада тўрт юздан зиёд уй-жой бўлса, барисига камалакранг мармар плиталар хариддор-гирлиги билан ажралиб тура-ди. Уларда салкам уч минг нафар киши меҳнат қилади.

Бундан ташқари, "Ҳозгон-мармар" корхонасига Италия-дан келтирилган энг янги жи-ҳозлар ўрнатилди. Бир мил-

лион 250 миң АҚШ долла-рига харид қилинган замо-навий технология ёрдамида қурилишбоп қилиб кесилаёт-ган мармларлар мамлақати-миз худудлари-да қад ростла-ётган қошона-ларга чирой бермоқда. Камалакранг тошлар, ҳатто, хориж давлатларига ҳам чиқаришмоқда.

Икки юзга яқин кичик кор-хоналарда кесиб тайёрланган мармар плиталар хариддор-гирлиги билан ажралиб тура-ди. Уларда салкам уч минг нафар киши меҳнат қилади. Ҳозгон мармарининг ҳар бир бўлагидан турфа хил

### Ислохот

ранглар мажмуасини кўриб, хайратингиз ошади. Бундай тошларга разм солиб, гўё тоғлар, кўллар, ўрмонлар, кўкдама булут қўллаб олган ва чақмоқ қақайган осмон-ни кўргандек бўласиз.

Ҳозгон — сангтарошлар мақони: Машҳур хайкалтарош Абдураҳим Турдиевнинг бе-такдор ишлар-и, айниқса, одамларни лолу хайрон қолдирмоқда.

Хусусан, бу ерда уста томонидан бунёд этилган "Шоҳи-мардон" масжидининг қури-лиши ўзига хос меъморий ус-луби билан ажралиб туради. Бундай ўлмас тарихий иш-ларни у Бухоро ҳамда Тош-кент шаҳарларида ҳам амал-га оширганлиги диққатга сазовордир.

Мустақиллик йилларида

Ҳозгонда сангтарошлик соҳа-сида моҳир усталар етишиб чиқди. Улардан бири — То-ҳиржон Раҳимов. Ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, камгап бу инсон мактабини битиргач, сангтарошлик касбининг сир-асрорларини пухта эгал-лади. "Ҳозгонмармар" корхо-насида бир неча йил ишлаб, ўзининг тиришқоқлиги ва зукколигини намойиш этди. Машаққатли меҳнат, тиним-сиз изланиш, қабл маҳорати-ни қадам-бақаддам ошириш муваффақиятлар омили бўлди.

СУРАТДА: корхона ишчилари М. Шарофатов, Н. Калонов ва Ф. Бобонов махсулот сифати кўздан кечиришмоқда.

Х. ПАЙДОВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИНГИЗДАГИ ТЎКИН ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Дамиано СЕРРА (Италия): Ўзбекистонга биринчи келишим. Кўп жойда бўлганман, лекин ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган.

Бу гўзал заминдаги тўкин ва осойишта ҳаётга ҳавасим келди. Тошкентдаги маҳобатли бинолар, муҳташам ишоотлар халқининг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳияти нечоғли юксак эканидан далolat бериб турибди. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейидаги экспонатлардан катта таассурот олдим. Бундай қадимий тарих, бой мерос ҳамма халқларга ҳам насиб этмаган. Саёҳатим давомида Самарқанднинг бетакрор тарихий обидаларини ҳам томоша қилдим, гўзал табиатдан баҳраманд бўлдим. Қадимий усулдаги қозғ ишлаб чиқариш саноати билан бевосита танишдим. Бу қозғ икки минг йилгача бевозол сак-ланар экан.

Ўзбекистон ёшлари — юксак ин-теллектуал салоҳиятга эга. Оўтин-гизда уларнинг пухта билим олиши, касб эгаллаши, ҳар томонлама камол

даражада ўзгариб, янада гўзал мам-лакатга айланганга гувоҳ бўлиб ту-рибман. Меъмор бўлганим учун ҳар бир иншоотни диққат билан кузата-ман. Янги бунёд этил-ган ҳашаматли имо-ратлар пойтахтнингиз салобатини янада оширибди. Хал-қингизга хос озодалик, саришталик билан олиб борилаётган бу улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлар-и Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далolatдир.

Мамлакатингизда қурилиш баро-бариди бошқа соҳаларда ҳам, айни-қса, қишлоқ хўжалиги, ахборот техно-логиялари, банк-молия, хизмат кўрсатиш сектори муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий бар-қарорлик халқро миқёсда тобора кенг эътибор қозонмоқда.

Арун КАРДИЛ (Ҳиндистон): — Юртингизга беш йил аввал ҳам келгандим. Ўзбекистон таниб бўлмас

даражада ўзгариб, янада гўзал мам-лакатга айланганга гувоҳ бўлиб ту-рибман. Меъмор бўлганим учун ҳар бир иншоотни диққат билан кузата-ман. Янги бунёд этил-ган ҳашаматли имо-ратлар пойтахтнингиз салобатини янада оширибди. Хал-қингизга хос озодалик, саришталик билан олиб борилаётган бу улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлар-и Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далolatдир.

Мамлакатингизда қурилиш баро-бариди бошқа соҳаларда ҳам, айни-қса, қишлоқ хўжалиги, ахборот техно-логиялари, банк-молия, хизмат кўрсатиш сектори муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий бар-қарорлик халқро миқёсда тобора кенг эътибор қозонмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

### Самарқанд шаҳрида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, улар номи билан боғлиқ муқаддас қадимжо ва тарихий обидаларни обод этиш, асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу хайрли иш изчил давом эттирилмоқда.

рономия фани ривожидида ўрни алоҳида эътироф этил-ди. Мирзо Улуғбек томони-дан 1428-1429 йилларда Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳк тепалигида, Обираҳмат ариғи бўйида бунёд этилган уч қаватли улкан расадхона ва ундаги радиуси 40,2 метр-ли секстант самодози миң-лаб юлдузлар ҳаракатини кузатиш имконини бергани ва кинот илмига доир бир қатор математик рақамлар аниқ баён этилгани билан дунёдаги расадхоналардан ажралиб тургани яши маълум.

Жорий йилнинг март ойи-да Президентимизнинг та-шаббуси ва тавсиялари асо-сида Мирзо Улуғбек расад-

ҳанд шаҳридаги Улуғбек об-серваторияси ва мадрасаси худудидан кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлашти-риш ишлари амалга оширил-ди. Шаҳардаги асосий кўча-лардан бири, шунингдек, Самарқанд давлат архитекту-ра-қурилиш институтига улуғ аллома номи берилди.

Буюк фалакшунос олим таваллудининг 615 йиллиги

муносабати билан 2009 йил бутун дунёда Халқаро астро-номия йили, деб эълон қилинди. Юртимизда, жаҳон-нинг турли мамлакатларида Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси мавзусида қатор халқро анжуман ва симпозиумлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда буюк бо-бокәлонимизнинг дунё аст-

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Мексика халқи ва ҳукумати номидан Сизни чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Фелипе Кальдерон ИНОХОСА, Мексика Қўшма Штатлари Президенти.

Ишончим комилки, халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жаноби Олийлари, Сизга билдираётган энг самимий табрикларим ва юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига йўллаёт-ган самимий табрикларимни, Сизга тинчлик-хотиржам-лик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилаб билдираётган истакларимни қабул қилгайсиз.

Анибал Кавако СИЛВА, Португалия Республикаси Президенти.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизни чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қатъий ишонч билан таъкидламоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан бўён ҳам барча соҳаларда ривожланиб бораверади.

Сиз, Жаноби Олийларига ва мамлакатингиз халқига улкан муваффақиятлар тилайман.

Вацлав КЛАУС, Чехия Республикаси Президенти.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Сизни Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан муборакбод этиш менга улкан шараф ва мамнуният бахш этади.

Мустақиллик қўлга киритилганидан бўён ўтган қисқа даврга мамлакатингиз Сизнинг доно раҳнамолигингизда юксак тараққиётга эришди. Хайрли ишларингизда Сизга бундан бўён ҳам қўлдан-қўл муваффақиятлар тилайман.

Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабат-ларда дўстлик ва биродарлик алоқалари алоҳида ўрин тутди. Бу ришталар тарихий, маданий ва диний муштараклик билан мустаҳкамланган. Покистон Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият беради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сийҳат-саломат-лик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига тинчлик ва равақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Осиф Али ЗАРДОРЫЙ, Покистон Ислон Республикаси Президенти.

Бир рақам шарҳи  
Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатингизда 509,4 миңга янги иш ўрни ташкил қилинди.  
Жойларда аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини оширишнинг таъминлаш йўлида изчил қара-тадбирларнинг амалга оширили-ши натижаида ана шунча киши даромад манбаига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Вьетнам давлати ва халқи номидан Сизга, Сиз орқали Ўзбекистон халқига энг эзгу тилаклар йўллашга ижозат бергайсиз.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳнамолигинида сиёсий барқарорлини мустаҳкамлаб, иқтисодий юксалиш йўлидан бормоқда, халқ фаровонлигини ошириб, ташқи муносабатларини мунтазам кенгайтирмоқда.

Кейинги вақтда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётгани фойдаланиб, бизнинг ва аминманки, Сиз билан бизнинг эътиборимиз ҳамда мамлакатларимиз вазири билан идораларининг фаол саъй-ҳаракатлари туйғайди Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги аънанавий дўстона муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади.

Ўзбекистон Республикасига тараққиёт ва фаровонлик, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сihat-саломатлик, бахт-саодат ҳамда юксак ва хайрли фаолиятинида каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Нгуен Минь ЧИЕТ,  
Вьетнам Социалистик Республикаси  
Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг нишонлини менга Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этиш ҳамда тинчлик ва тараққиёт тилаб билдирган истакларимни изхор қилиш имконини бермоқда.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар келгусида ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Троян БАСЕСКУ,  
Руминия Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Кипр Республикаси халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриклар изхор этишга ижозат бергайсиз.

Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик халқларимиз фаровонлиги йўлида узок йиллар давомида ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни, шахсан Сизга мустаҳкам sihat-саломатлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Димитрис ХРИСТОФИАС,  
Кипр Республикаси  
Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!  
1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан чин дилдан йўллаётган табрикларимни қабул қилгайсиз.

Черногория билан Ўзбекистон ўртасида доимо самимий, дўстона муносабатлар қарор топиб келган. Ишончим комилки, Сиз билан ҳамкорлигини давом эттиришимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам sihat-саломатлик ва ўта масъулиятли фаолиятинида муваффақиятлар тилайман.

Филип ВУЯНОВИЧ,  
Черногория Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 14 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовотларини яратиш, шунингдек, бажона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралиа доллари	1504,92	1 Малайзия ринггити	521,72
1 Англия фунт стерлинги	2491,48	1 Польша злотийси	525,86
1 Дания кронаси	277,82	1 СДР	2446,25
1 БАА дирҳами	440,39	1 Туркия лираси	1084,36
1 АКН доллари	1617,32	1 Швейцария франки	1592,16
1 Миср фунти	283,49	1 евро	2066,65
1 Исландия кронаси	137,70	10 Жанубий Корея воши	13,92
1 Канада доллари	1565,96	10 Япония йенаси	192,19
1 Ҳаной воши	239,20	1 Россия рубли	52,35
		1 Украина гривнаси	204,51

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

## МАМЛАКАТИНГИЗДАГИ ТҮКН ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Буюк Ипак йўлининг энг муҳим йўналиши мамлакатингиз худудидан ўтганининг ўзидек Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг бой тарихи ва порлок келажаги ҳақида яшаш тасавури беради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда гўзал ва ноёб мейморий ёдгорликлар жуда кўп. Улар, шубҳасиз, бутун дунёда қизиқиш уйғотади.

### Моҳд ШАХМИЙ (Малайзия):

— Мамлакатингиз нодир қўлёзмаларга бой кутубхоналари, тарих, табиат, маданият ва санъат ҳақида ҳикоя қилувчи музейлари, маҳабатли мадраса ҳамда масжидлари билан сайёҳларни хайратга солимоқда.

Шифокор бўлганим учун Ўзбекистондаги шифо масканлари билан танишдим. Юртингизда тибиёт соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар таҳсинга сазовор.

Эл-юртингизга фаровонлик ва равнақ тилайман.

ЎЗА мухбирлари  
НОДИРА МАНЗУРОВА,  
ИРОДА УМАРОВА  
суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2008 йил июль ойида мамлакатимиз парламенти-нинг иккала палатаси Кенгаши томонидан қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучай-

сиyasi раҳбарлик қиладиган Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилган эди. Масалани давра суҳбатида батафсил муҳокама қилиш асосида унинг иш-тироқчилири томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ҳокими-

ҳуқуқий ва амалий фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбир якунида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жойлардаги депутатлар корпуси билан янада фаол ҳамкорлик қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган тавсиялар қабул қилинди.

# УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мирзо Улуғбек ҳайкали музейнинг замонавий кўринишига тўла мос келади. Хайкал Ўзбекистон халқ рессоми Раваҳан Мирзожонев томонидан яратилди. Хайкалнинг орқа томонидagi юдузлик осмон тасвири туйирилган панно ҳам уни мазмунан тўлдирди турибди. Бу иш Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Рустам Солижонов ва унинг шогирдлари томонидан бажарилиди.

Расадхона худудига ўрнатилган замонавий чироқлар тунда ҳам мажмуани нурга тўлдириб, унинг жозибасини янада оширади.

Янги музейнинг экспозицияси ҳам унга мос тарзда, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия томонидан яратилди. Экспозиция, асосан, икки қисм ва олти бўлимдан иборат. Биринчи қисмда Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги, иккинчи қисмда эса унинг олимлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Музейда Мирзо Улуғбек даврига хос юздан зиёд ашёлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, бу ерда қўшимча равишда макетлар, муляжлар, китоблар, асл нусхадаги септант асбоби бўлаги ҳам мавжуд. Музей экспозициясида Мирзо Улуғбек билан боғлиқ маълумотлар иккита сенсорли компьютерларда жойлаштирилиб, намойиш этилади.

Маросимда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиқов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиев, Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо, СамДУ ректори Т. Ширинов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Д. Салимова ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган мазкур мажмуа халқимизнинг, буюк мунажжим, фалакят ёлми сўлтони Мирзо Улуғбек даҳосига чексиз эҳтирими рамзи эканини таъкидлади. Бу ишнинг фақат зиёратгоҳ бўлиб қолмай, аллома илмий меросини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ҳ. Барноев иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ер қаьридаги мрамар қатламларини шикаст етказмасдан ёриш амаллари ўта зийрлик ва аниқ ҳисоб-киتابни талаб этади, — дейди "Шухрат" медали соҳиб-

Кармана туманидаги Ҳўжа Хисрав, Ориф Дегтароний қадамжоларини таъмирлашда қатнашиши. Жорий йилда эса Нуротадаги "Чашма" мейморий мажмуасининг тарихий обидаларида 270 квадрат метрдан иборат майдонни мрамар плиталар билан беэаб, аниқ-билга ўзгача чирой ва шукўқ бағишлади.

Дарҳақиқат, машҳур хайкалтарош Абдурахим Турдиевнинг невараси Тоҳиржон Раҳимов ва унинг шогирдлари фозгонлик сангтарошларнинг ишларини давом эттириб, қадимий тош ўймакорлиги услубларини тиклаган ҳолда, бу жабҳада янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ушбу жараёнда боқий қадриятларни ўрганишга, янги услубларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Қўли гул, зеҳни ўткир устозлар сидқидилдан қилган меҳнатлари Фозгон сангтарошлик мактаби фаолиятини такомиллаштириб, юртининг шани-шавакати оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хандам ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



# БИЛИМ, ЗАКОВАТ ВА ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Анжуман доирасида танловнинг Тошкент шаҳри босқичи ғолибларининг лойиҳалари тақдироти бағишланган тадбир ҳам ўтказилди. Унда Тошкент иррига-

ция ва мелиорация институти талабаси Насиба Муродованинг сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятларига оид ишланмаси, Тошкент давлат шарҳунослик институти талабаси Рустам

Турсуновнинг таржима маҳоратини оширишга қаратилган янгича тизим мавзусидаги лойиҳаси келгусида амалиётга жорий этилиши маълум қилинди. Тадбир ниҳосида "Келажак овози" республика кўрик-

танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.  
Омонулла ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири,  
Ҳасан ПАЙДОВ  
олган сурат.

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

бу Тоҳиржон Раҳимов. — Айнақча, харсангларга дарз етказмасдан қўл билан ёриш, юпқа тошларга гул солишда сабот ва тажриба зарур.

Сангтарош устахонасида бутун унинг ўнаб шогирдлари турли русумдаги усқуналар ёрдамида тошларга сайқал бермоқдалар.

— Мустақиллик бизга катта имкониятлар эшигини очиб берди, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Муҳими, бу қадимий хунар ўз қадрини топти. Юртимиздаги тарихий обидаларда мрамар ишларини бажариш вазифаси зиммамизга юқлатилди.

Тоҳиржон Раҳимов бошчилигидаги устозлар Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Қашқадарё вилояти ва Тошкентдаги тарихий шахсларнинг мақбараларида мрамар ишларини аъло даражада бажариши. Шунингдек,

даги қонун ҳужжатларининг бўзрилишига олиб келаётди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдир этилган маълумотларга кўра, ўрганилган 21 ишлаб чиқарувчи — хўжалик

сус курсларни киритиш белги-ланган. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад, хар биримиз дуч келишимиз мумкин бўлган муаммоли вазиятларни қонун йўли билан ҳал этишга эришимиздир.

Мухтасар қилиб айтганда, соҳадаги қонун ҳужжатларининг самарали ишлаши, аввало, аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилишга боғлиқ. Шундай экан, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарлари ёки курсатилган хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмолчилик маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи боқувчи органлари, назорат қилувчи ташкилотларнинг иштирокини кучайтириш ниҳоятда муҳимдир.

Аскар УТЕМУРАТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун бу борада муҳим дастурий-амал бўлаётди. Унда давлат томонидан истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимояси кафолатланган.

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Айтиш жоизки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ва жамоат ташкилотларида мазкур ҳужжат ижроси изчил таъминланмоқда. Зеро, Қонун республикамиз ички бозорларига кирди келаётган сифатсиз, қалбакилаштирилган, инсон ҳаётига хавф туғдирувчи ноозик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларидан уни асраш ва огоҳ этиш, шунингдек, аҳолига тибиий, транспорт ҳамда маийшй хизмат қўрсатиш (ва бошқа соҳаларда истеъмолчилар дуч келаётган турли тўсиқларга ечим топишлари учун ҳуқуқий маслаҳатлар олишлари имкон беради.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2009 йил ҳамда 2010 йилнинг биринчи чогаи давомида фуқаролардан истеъмол ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида

8459 та ариза ва мурожаат тушган. Улар таҳлил этилганда, аксарияти коммунал, савдо, маийшй хизмат ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тўғри келди. Мурожаатлар ўрганилиб, истеъмолчилар томонидан кўрилган 918,7 млн. сўмдан ортиқ моддий зарарнинг қопланишига эришилди. Ҳозирги кунда юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва махсулот сифатини ошириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Соҳадаги қонунчилик меъёрларига амал қилиниши натижасида жойлардаги савдо шохбчалари замонавий савдо дўконлари, минимаркетлар, супермаркетлар қўриқинишда аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётди. Шундай бўлса-да, тизимида ханузгача айрим камчи-

ликлар учраб туради. Жумладан, барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларида пластик картчалар орқали хизмат кўрсатувчи терминаллар билан тўла жиҳозланмаган. Айрим савдо муассасаларида терминаллар мавжуд бўлса-да, сотувчилар харидорга чек бермай ҳуқуқбузарликка йўл қўймоқдалар. Ёки сертификатсиз, муддати ўтган товарлар истеъмолчи томонидан қайтарилганда, сотувчи томонидан қабул қилинмаслиги ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек, истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганиги тўғрисидаги судларнинг қарорлари аҳолига етарлича тўшунирилмаётганлиги, баъзи тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтмай фаолият кўрсатиши соҳа-

юритувчи субъектлар ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган консерва маҳсулотларининг сифати бўйича оқорида қайд этилган Қонун талаблари бузилган.  
Турли хил камчиликларга йўл қўймастик учун аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чога-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2009 — 2010 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича ма-

ҳуқуқий ва амалий фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбир якунида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жойлардаги депутатлар корпуси билан янада фаол ҳамкорлик қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган тавсиялар қабул қилинди.

Аскар УТЕМУРАТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Поезд ҳалокатга учради

**Швецияда йўловчи ташувчи тезорар поезд экскаваторга тўқнашиб кетди.**

Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Воқеа Мальмо шаҳрида содир бўлди. Натижада поезднинг олдинги учта вагонига қаттиқ шикаст етган. Фожа оқибатида 18 киши тан жароҳати олган. Улардан бирининг аҳоли оғир. Фалокат юз берган пайтда поездда 244 нафар йўловчи бўлган.

Кўнчилсизлик қурилиш техникаси темир йўлга чўки қолгани туфайли юз берган.

### Тўда етакчиси ушланди

**Мексикада гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи "Белтран-Лейва" жиноий тўдасининг етакчиси Серхио Вильярреал Барраган ҳибсга олинди.**

Манбага қараганда, ҳуқуқ-тартибот идоралари "Эль-Гранде" лакаби билан танилган бу жиноятчини Пуэбла шаҳрида олиб борилган операция чоғида қўлга туширган. Мамлакат прокуратураси 2009 йили қотиллик, гиёҳванд моддалар савдоси каби бир қатор оғир жиноятларни содир этганида айбланаётган Барраган ҳақида аниқ маълумот берган одам 2,5 миллион АКШ доллари билан мукофотланишини маълум қилган.

Кези келганда айтиб ўтамиз, Мексикада 2006 йилдан бери гиёҳванд моддалари савдоси билан шуғулланувчи тўдаларга қарши кенг қамровли тозалаш тадбирлари олиб борилмоқда.

### Аҳолини саросимага солди

**Ҳиндистоннинг жануби-шарқидagi Орисса штатида тарқалган вабо эпидемияси ва дизентерия (ичбурғ) касаллиги бу ерда истикомат қилаётган аҳолини саросимага солиб қўйди.**

Сабаби, хасталикни юктириб олаётган ва ундан нобуд бўлаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, сўнгги уч кун ичида касаллик 38 кишини ҳаётдан олиб кетган. Минг нафардан ортик одам эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. Аҳвол, аинқиқа, Раягада округида кескинлашгани айтилмоқда. Бу ерда 660 киши вабо эпидемияси ва дизентерия билан оғирган. Шу боис штатга керакли дори-дармонлар зудлик билан етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, касалликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида 20 та дала госпитали ташкил этилган.

### Аэропортдаги кўнчилсизлик

**Хитойнинг Шэньси музофотида кўнчилсиз ҳодиса рўй берди.**

Гап шундаки, музофотнинг маъмурий маркази ҳисобланган Сиань шаҳридаги аэропортга қўнаётган "McDonnell Douglas" русумли самолётнинг шассиси ёниб кетган. Кўнчилсизлик юз берган вақтда унинг бортида 100 нафардан зиёд йўловчи бўлган. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳеч кимга зарар етмаган.

Авиакомпания эса бу ахборотни инкор этмоқда. Унинг вакилларидан бирининг айтишича, самолёт қўнаётган вақтда битта гилдираги ёниб кетган, ҳолос.

### Тезде оммалашди

**Жанубий Кореянинг "SK Telecom" мобил алоқа компанияси смартфон рўсумидаги қўл телефонларидан бир миллион дон сотилаганини маълум қилди.**

Мазкур алоқа воситалари жорий йилнинг июнь ойида сотувга чиқарилган бўлса-да, тезда оммалашиб кетган. Боиси, бу телефонлар бир қатор қўлайликлари билан фойдаланувчиларга манзур бўлмоқда. Шу туфайли "SK Telecom" декабрга қадар мазкур телефонлардан яна 2 миллион дон сотилашини умид қилмоқда.

### Пасайиш бўлиши кутилмоқда

**Жорий йил охирига бориб жаҳон иқтисодийотида ўсиш суръатларининг пасайиши кутилмоқда.**

Бу ҳақда Халқаро валюта жамғармасининг таҳлилчилари маълум қилишди. Уларнинг сўзларига кўра, бунга кўплаб мамлакатлар зиммаларидаги қарздорлик мажбуриятларини бажара олмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шу туфайли ташкилот мамлакатларни бюджет тақчиллигини камайтириш ҳамда муаммони ҳал қилиш учун тегишли чораларни кўришга чакирди.

Бундан ташқари, иқтисодиёт ўсишининг пасайишига АКШ кўчмас мулк бозорида фооллиқнинг сусайиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

### Энергетиклар анжумани

**Канаданинн Монреаль шаҳрида 21-Бутунжаҳон энергетика конгресси иш бошлады.**

Унда тўрт мингга яқин делегат қатнашмоқда. Тадбир иштирокчилари орасида 70 дан ортик мамлакатнинг энергетика вазирилари ва йирик компанияларнинг раҳбарлари бор. Анжуман кун тартибидан энергетика маҳсулотларига бўлган эhti-ёжни қондириш, мўқобил

энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлари ва энергетика лойиҳаларини молиялаштириш масалалари ўрин олган.

Конгресс якунида энергетика муаммолари бўйича Монреаль декларацияси имзоланиши кутилмоқда.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ИМКОНИЯТ УЎҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Шеробод тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси жамоаси ўзларининг бундан 19 йил аввалги ҳолати — имкониятлари қандай бўлганини яхши эслайдилар: уч-тўртта эски трактор. Кетмони қийшайган йўл текислагич машина. Бир ҳовуч юк ортсанг, бели букчайиб кетадиган тележжалар... Йўлнинг ўнқир-чўнқир жойларини текислардилар. Нари борса, учна-мунча жорий таъмир ўтказардилар. Одамлар жамоани "Йўлнинг сариқ нимча кийган фаррошларимикан?" деб ўйлашарди.**

Таомилга кўра, улар ҳалиям сариқ нимча кийиб ишлашади. Бироқ Мустақиллик уларга "бунёдкор" деган улуг мартаба бахш этди. Боши таъмирдан чиқмай, кўли қорамойга отиб юрадиган ҳайдовчи "Еврокамас", юк ортувчи "Лебхир" машиналарининг ёзда салқин, қишда илиқ кабиналарида ўтиради. Германиядан олиб келинган асфальт ташувчи ва асфальт кесувчи "Фогель" ҳамда "Ферева" машиналари йўлсозларнинг машаққатли меҳнати миғ чандонга осонлаштирди.

Корхона раҳбари Нортожи Абдулахатов "Имко-

ниятимиз бисёр. Энди ҳар қандай мураккаб буюртмаларни ҳам уддалайверамиз", деб ўзига ортиқча баҳо бермади. Аксинча, ҳаракат қилди, изланди ва қайси бир ерлардан ускуна-технологияларни топиб, асфальт ишлаб чиқарадиган чоқина завод қурди. Тупроқ ишларини бажариш, тоғ жинсларини портлатиш, қурилиш ишлари бўйича мутахассисларнинг малакасини оширди. Шундай қилиб, улар ички йўлларни бир нав эпалақа келтириб турган жамоадан халқаро аҳамиятга молик тўрт тасмили йўлларнинг қурувчиларига айландилар.

"М-39" деб номланувчи "Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз" автомобиль йўлининг "Дар-

#### Бунёдкорлик

банд — Шеробод" қисмидаги 1380 — 1395-километрлари капитал таъмири шу жамоаниннг қўлидан чиққан. Кўз илгамас тезликда ҳаракатланаётган автомобиль, хоҳ юк, хоҳ энгил машина бўлсин, қилт этмайди. Кўприклар, сув ўтказиш иншоотлари, йўл четига тортилган темир-бетон хошиялар мустақамлиги билан бирга жозибадор. Бекавлар шинам. Серкатнов йўловчилар

"Шундай йўлни қурганиннг отасига раҳмат, умрларидан барака топсин", дейишади. Жамоа ҳозир шу йўлнинг 1395 — 1400-километрларини таъмирляпти. Айти пайтда 1400 — 1410-километрларида тупроқ ишлари бошлаб юборилган. Йўл йўналиши мураккаб: бир томони чағир тошли тоғ бўлса, иккинчи томони баҳор ойлари сел тошқинлари қузатиладиган Шеробод дарёси. Илон изли бурилишлар.

— Шошилмасдан ишляпмиз. Лекин иш суръатини ҳам бўшаштирмаймиз, — дейди корхона бош муҳандиси Шуҳрат Аллаёров. — Ёрдამчи пудратчиларни ҳам

қўшганда, юзга яқин техника кучидан умумли фойдаланилапти. Биринчи босқичдаги таъмирлаш-созлаш ишларини ниҳоясига етказаяпмиз.

Суҳбат сўнггида Ш. Аллаёров Германия технологияси билан жиҳозланадиган янги асфальт ишлаб чиқариш заводи қурилишини бошлаб юборганини ҳам айтиб қолди. Аширхилват қишлоғида бунёд этилаётган шағал заводини эса шу йўлнинг туртинчи чорағида ишга туширар эканлар. — "Устоз — шогирд"лик ҳаракатини шакллантириб, шу йўлнинг ўзида 44 кишини ишга қабул қилдик. Ҳаммаси — ёшлар, — дейди бош муҳандис.

Дарҳақиқат, корхонаниннг имконият ўққлари кенгаймоқда. Бу имкониятлар жонажон юртимиз йўлларининг янада обод ва раван бўлишига хизмат қилажак, албатта.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

#### Эътибор

Мамлакатимизда ёш авлод ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун қаратилаётган эътибор бекиёсдир. Гуллистон шаҳрида қад ростлаган "Ёшлар маркази" ҳам ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

### ЁШЛАР МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Мазкур масканнинг қад ростлашида ҳомий ташкилот "Либра интер маркет" масъулияти чекланган жамиятининг ҳиссаси катта бўлди.

Янги бинонинг 300 кишига мўлжалланган залида ёшларнинг маънавий оламани бойитишга хизмат қилувчи тадбирлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан турли танлов, тўғрақ машғулотлари, фестиваллар ташкил этилади.

Чунончи, марказ "Заковат", "Иқтидор" интеллектуал ўйинлари, "Янги авлод", "Келажак овози", "Ниҳол" каби қўриқ-танловларнинг вилоят босқичлари, ўқув семинарлари, ёш ижодкор расмларнинг кўргазмалари, давра суҳбатларига мезбонлик қилади.

Ш. ХОЛМУРОВОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТУРБУВАТ КУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ИЙГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

ИП ООО «ПАКТАКАБЕЛ ЗАВОДИ»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АПБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².

Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.  
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.  
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

E-mail: pakhtakabel@mail.ru

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО

ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ для водоснабжения, газоснабжения и для канализации

Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающее давление до 20 кгс/см²

Соединительные детали: Тройники, переходники, отводы, адаптеры, крестовина

Проводим монтаж трубопроводов

Используем только первичное сырье: РЕ-80, РЕ-100

На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ в таске ISO 9001:2008

Индивидуальный подход к каждому клиенту **Качество у нас!!!**

Гибкая система скидок  
Гарантия — 2 года,  
срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, головной офис: Бизнес-центр «Лабзак»  
Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42.  
e-mail: seidou2006@yandex.ru

#### Таълим

2010 — 2011 ўқув йилидан эътиборан Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг Бухоро филиали фаолият кўрсата бошлади.

#### Янги филиал иш бошлады

Ҳозир ушбу билим даргоҳида шу йилги тест синовларидан муваффақиятли ўтган 100 нафар йигит-қиз ҳамда Бухоро давлат университети гидромелиiorация факультетининг 121 нафар талабаси таълим олмақда. Бу ерда воҳида дехқончилик маданиятини юксалтириш, экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ер тузиш ва кадастрлик фаолияти билан шуғулланадиган малакали кадрлар тайёрланади.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда, шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг **237-01-11** рақамли «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» хизматиға кўнғироқ қилинг.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Себзор даҳаси, Марказ-17/18, 240-АТС.  
E-mail: sanksiya@gis.uz  
Web-site: www.gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) куйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

1. Қорақалпоғистон Республикаси	224-01-11
2. Андижон вилояти	224-01-11
3. Бухоро вилояти	223-01-11
4. Жиззах вилояти	226-01-11
5. Қашқадарё вилояти	221-01-11
6. Намовий вилояти	224-01-11
7. Наманган вилояти	226-01-11
8. Самарқанд вилояти	235-01-11
9. Сирдарё вилояти	40-01-11
10. Сурхондарё вилояти	227-01-11
11. Хоразм вилояти	226-01-11
12. Фарғона вилояти	223-01-11
13. Тошкент вилояти	235-01-11
14. Тошкент шаҳри	236-01-11

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz  
Tel. (8-371) 250-11-11

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

1, 2-ўқув бинolari ва талабалар тураржой биносидаги буфетларда овқатланишни ташкил этиш муносабати билан танлов эълон қилади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича қамида олти ой давомидида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Танлов 2010 йил 11 октябрь кун соат 10.30 да Тошкент давлат юридик институти 1-ўқув биноси мажлислар залида ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун тақлифлар газетда эълон чоп этилган санадан бошлаб 25 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 233-66-36, 236-28-55.  
Ички телефонлар: 1-15, 2-05, 2-55.


Продаются КВАРТИРЫ ОТ ЗАСТРОЙЩИНА

В Янсаарайском районе

Низкие цены!

Ипотечка при поддержке банка Асака

281-52-02, 281-42-02, 709-08-77



## ЎЗБЕК ПОЛВОНИ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Истиқлол барча соҳалар қатори спортни ҳам ривожлантириш, мустақил юрт фарзандларининг бу борадаги истеъдод ва маҳоратларини намойиш этиш имкониятини ярати берди. Президентимиз раҳнамолигида спортни оммавийлаштиришга қаратилган юксак эътибор туғайли, юртимиз довруғини дунёга таратадиган номдор спортчилар этишиб чиқмоқда. Улар турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон шухратига шухрат қўшмоқдалар.

Собиров 1986 йил 11 сентябрь Жондор туманида туғилган. Ун бир ёшдан бошлаб дзюдо билан шуғулланади. У катта салоҳиятга эга спортчи сифатида Президентимиз Исроҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва дунёда ўхшаш бўлмаган уч босқичли спорт тизимининг юқори бугини — Универсиадада кашф этилган. Шу кунгача ёшлар ўртасида Осиё чемпионати голиби, катталар ўртасида эса кумуш медаль совриндори бўлган. Айниқса, кейинги икки йил ичида қатор нуфузли турнирларда юрtdошимизга тенг келадиган рақиб топилмапти. У жорий мавсумда “World Masters” (Жа-

набий Корея), “Улкан тож” (Россия) турнирлари, Тунис давлати меҳроблик қилган Гран-при мусобақасида олтин медаль билан тақдирланди. Бундан ташқари, Франция ва Бразилияда ўтган “Улкан тож” турнирларида кумуш медални қўлга киритди. Жорий йил Андижонда ташкил этилган “Универсиада — 2010” спорт мусобақалари голиби бўлди. Энди унинг совринлари ҳисобига жаҳон чемпионати олтин медални ҳам қўшилди.

Таъкидлаш лозимки, Ришод Собировга полвонлик бобосидан ўтган. Айтишларича, бобоси Ҳазратқул полвон катта-катта давраларда олишиб, кураги ерга тегмаган экан.

Кеча Япония пойтахти Токиода дзюдо бўйича аяқланган XXVII жаҳон чемпионатида ҳам вакилларимиз ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этдилар. Жумладан, 60 килограмм вазнли полвонлар ўртасида гиламга чиққан Пекин Олимпиадаси бронза медални совриндори Ришод Собиров барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафни номга сазовор бўлди. Шуниси аҳамиятлики, Ришод спортнинг ушбу тури бўйича ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони сифатида ҳам тарихдан жой олди. Бухоро дзюдо мактаби тарбияланувчиси финалгача бўлган беллашувларда болгариялик Янислав Герчев, Жанубий кореялик Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, италиялик Элио Верде ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга урчати. Финалда эса украиналик номдор курашчи Георгий Зан-

тарияни катта устунлик билан енгиди. Бронза медаллари россиялик Арсен Галстан ва япониялик Хироаки Хироакэга насиб этди. Жаҳон чемпионатида 111 мамлакатдан келган 848 нафар дзюдочилар жаҳон чемпионати медаллари ва 2012 йили Лондонда (Буюк Британия) бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг оқчалари учун ўзаро куч синашди.

Албатта, полвонимизнинг ушбу улкан ютуғи бутун ўзбекистонликларни гурулантириб юборгани аниқ.

Иқтидорли курашчимиз Ришод

— Онамнинг отаси, яъни бобом зўр полвон ўтган, — дейди Ришоднинг отаси Рашид Собиров. — Полвонлик наслимизда бор. Тўрттала ўғлим ҳам кураш тушади. Ришодни Олtdаги 7-Олимпиада спорт мактаб-интернатига ўқишга бериб адашмаган эканмиш. Уғлим ўз галабалари билан юртимиз довруғини оламга таратаётганидан хурсандман. Мана шундай шарафит ва имкониятларни ярати берди Ришод Собировдан миннатдоримиз.

Айтиш жоизки, Ришод 1998 йилдан бошлаб мазкур мактаб-интернатда мураббий Дилшод Тўраев қўлида дзюдо сирларини ўрганган.

Ришоднинг устоз масаласида ҳам омади чоған. Бухоро давлат университетиде тахсил олаётганида ҳам, Бухоро шаҳридаги 2-Олимпиада захиралари спорт мактабиде ҳам, терма жамоада ҳам бағрикенг, шогирдининг кўнглига йўл топа оладиган устозларга дуч келди. Фуқат Солиев, Борис Григорьев қўлида маҳоратини оширди. Шу маънода, у татамида мураббийларининг пухта сабоқлари туғайли Олимпиаданинг фахрий шохусасига қўтарилди, жаҳон чемпиони бўлди. Жондордан чиққан полвоннинг ютуғи шу жиҳатлари билан қимматлидир.

Жаҳон чемпионатида қатнашган бошқа полвонларимиздан Мирзохид Фармонов (66 кг.) ва ўткир Қурбонов (100 кг.) беҳинчи ўридан жой олишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

### Анжуман

Самарқанд шаҳридаги “Panorama Grand” меҳмонхонасида Марказий Осиёда қоятош расмлар ва ёдгорликларни серияли рақамлаш бўйича иккинчи халқаро минтақавий семинар бўлиб ўтди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Марказий Осиё давлатлари, Австралия, Норвегия, Франция, Эрон, Мўғулистон, Россия каби мамлакатларнинг археолог ва тарихчи олимлари, “Халқаро мерос” маркази, ИКОМОС ташиқоти-нинг эксперт-мутахассислари иштирок этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга қатъий эътибор берилаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон тарихи бой, бугини гўзал юрт, — дейди анжуман иштирокчиси, “Халқаро мерос” маркази вакили Роланд Лин Шин Хунг. — Бу ерда қўнча ўтмишдан гувоҳлик бериб туривчи осори-атикалар жуда кўп. Қоятош расмлари уларнинг орасида алоҳида ўрин тутди.

Семинар тўрт кун давом этди. Анжуман иштирокчилари Навоий вилоятидаги Сармишсой тоғ даразига саёҳат уюштириб, у ердаги қоятошларга битилган тасвирларни ҳам ўрганишди.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ҚОЯТОШЛАГИ РАСМЛАР ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Марказий Осиё давлатлари, Австралия, Норвегия, Франция, Эрон, Мўғулистон, Россия каби мамлакатларнинг археолог ва тарихчи олимлари, “Халқаро мерос” маркази, ИКОМОС ташиқоти-нинг эксперт-мутахассислари иштирок этишди.

## Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

Москвада эркин ва юнон-рум кураши ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита кумуш медални қўлга киритди. Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 98 мамлакатидан 920 нафар спортчи иштирок этди.

Мамлакатимизнинг энг номдор полвони, эркин кураш бўйича икки карра Олимпиада чемпиони ва жаҳон чемпиони Артур Таймазов (120 кг.) дан бу сафар финалда омад юз ўғирди. Артур финалгача бўлган мусобақада украиналик Вадим Тасоев, озарбойжонлик Али Исаев ва грециялик Иоаннис Арзумандис

устидан зафар кучди. Финалда эса россиялик Билал Махотагача оқчалар бўйича имкониятини бой бериб, кумуш медаль билан қифолланди.

Яна бир курашчимиз, амалдаги жаҳон чемпиони Заурбек Сохиев (84 кг.) финалда болгариялик Михаил Ганевага қарши гиламга чиқди. Биринчи раундда болгариялик кураш-

чининг қўли балан келган бўлса, иккинчи раунд тўлиқ ҳамюртимиз устунлигида ўтди. Хал қилувчи учинчи раунднинг дастлабки дақиқасида Заурбек оқчалар бўйича олдинда бораётган эди. Аммо сўнгги паллада рақиб олдинга чиқиб олди ва юрtdошимизга кумуш медаль насиб этди.

Таъкидлаш жоизки, С. Сохиев шу босқичгача Тугждордж Дорвачин (Мўғулистон), Перес Салас (Куба), Вадим Лалиев (Арманистон), Ибрагим Алдатов (Украина)ни мағлубиятга учратган эди.

### Яхши хабарлар

## Шерзод – халқаро танлов голиби

Яқинда Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчиси Шерзод Абдулваҳидов Россия Федерациясининг Суздаль шаҳрида ўтказилган аънавий “Янги номлар” минтақавий халқаро танловда голибликни қўлга киритди. Эндиликда у Европада бўладиган мусиқачилар кўриғида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Қовуннинг янги нави

АҚШнинг Калифорния штати бозорларида ўзбек қовун нави сотувга чиқарилди.

Гап шундаки, маҳаллий фермерлардан бири ўзбекистонлик мутахассислар ёрдамида мамлакатимизда яратилган полиз экани навини етиштирди.

“Los Angeles Times” нашрининг хабарига қўра, ҳозирча ҳосил ёмон эмас. Хуштаъм ва океанорти

учун ангиллик саналмиш қовунга бўлган талаб ҳам тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун бўлса керак, америкалик деҳқон кейинги йили полиз майдонини икки бараварга кенгайтириш ниетида.

Санд МАХСУМОВ тайёрлади.

### Нейрожарроҳлик амалиёти:

## УСЛУБ, ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР

Инсон ҳаёти ва саломатлиғи ҳар недан азиз. Шу боис бугун мамлакатимизда эл соғлиғи муҳофазаси йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада тиббий хизмат сифати тобора такомиллашиб, саломатлиғимизга ҳавф солиши мумкин бўлган кўплаб оғир хасталиқларнинг олдини олиш, касалликка ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш ва энг муҳими, самарали даво муолажаларини қўллашга муваффақ бўлинатир.

Бизнинг марказимизда ҳам бош мия жараҳатлари ва хасталиклари билан боғлиқ оғир асоратларнинг олдини олиш ҳамда мурракб жарроҳлик амалиётини қўллаш орқали касалликларни самарали даволашга ҳаракат қилинмоқда. Шифо масканимизда бош мия ўсимталари, уч шоҳли асаб невралгияси, умуртка танасининг емирилиши ва унда саратон ҳужайралари пайдо бўлиши каби оғир хасталиқларни даволаш мақсадида йилгига 2 мингдан зиёд жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

Бугун соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туғайли ёш ва истеъдодли нейрожарроҳларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Шу боис (Республика нейрхирургия илмий маркази) нафақат юртимиз, балки

Ҳамдўстлик давлатлари ва Марказий Осиё минтақасида етакчи клиник шифо муассасаси ҳамда нейрожарроҳлик соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшаётган йиллик илмий тадқиқот маскани сифатида тан олинмоқда. Мутахассисларимиз Россия, Украина, Австрия, Япония, АҚШ каби давлатларда бўлиб ўтаётган нуфузли тиббий сьездлариде илмий маърузалари билан иштирок этиб, жаҳонда етакчи саналган нейрожарроҳлар билан ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Бунга мисол тариқасида Жаҳонгир Ёқубов, Мансур Аҳмедиев, Иван Гладков, Саъдулла Ишмухамедов, Замира Махмудова, Марат Мирзабоев сингари малакали мутахассисларнинг услуб ва тажрибалари жаҳон тиббиётида қизиқш ва этирофларга сазовор бўлаётганини тилга олишимиз

раф этиш сингари услублар жарроҳдан юксак билим, маҳорат ва сабр-тоқат талаб этади.

Айни дамда ана шундай тажрибали ходимларнинг иш услубига таянган ҳолда, малакали ёш кадрларни камол топтириш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Марказ

кошида тиббий коллежлари ва олий ўқув юр்தларининг, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг жарроҳлик кафедраси бўлимлари фаолият курсатмоқда. Еш мутахассислар болалар нейрожарроҳлиғи, нейроон-



Саломатлик

фаолият курсатмоқда. Еш мутахассислар болалар нейрожарроҳлиғи, нейроон-

кология, мининвазив (энг кичик) нейрожарроҳлик, умуртка пононаси ва орқа мия хасталиқларини даволаш, қон томир нейрхирургияси бўлимларида амалиёт ўтаб, соҳада қўлланилаётган энг мурракб жарроҳлик амалиётларида қатнашмоқдалар. Бунда, айниқса, мутахассисларимиз-

нинг замонавий тиббий технологиялардан кенг фойдаланаётганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, бугун ҳар бир ёш мутахассис хасталикка ташхис қўйишда қўлланилаётган компьютерли томограф ускунаси, кўп қиррали аналогли рентген текшируви аппарати, мультистар (мия ва бутун танадаги қон томирларни текшируви ускуна), бир неча турдаги ультратовуш текшируви аппарати, шунингдек, жарроҳликда ишлатиладиган нейрофталмологик, кардиологик, эндоскопик, микроскопик асбобларни фаолият жараёнида самарали қўллашни пухта ўрганмоқда. Зеро, келгусида мамлакатимиз нейрожарроҳлиғи ривожига хизмат қилувчи ёш авлод вакилларининг чуқур билими, етук малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш бизнинг бугунги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## NEW HOLLAND

**B 115**

**TS 6070**  
130 л.с.

FIAT GROUP

TEL.: 120-60-97, 120-74-50.

### ОБ-ҲАВО

(14 сентябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик бўлмайд. Ҳарорат тунда 8-13, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик кузатилмайд. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик кузатилмайд. Кечаси 11-16, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик кузатилмайд. Тунда 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Ҳарорат тунда 8-10, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгирдиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Сенат Девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собировга ўли

САНЖАРБЕК

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси жамоаси уюшма маслаҳатчиси Мурод Раҳмоновга онаси

ШАҲЗОДАХОН

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази жамоаси балиқчилик соҳасида узок йиллик даврнида самарали меҳнат қилиб келган «Буюрбол» МТЖ директори Эшмурод Шомуратовни

ШОМУРАДОВ

вафоти муносабати билан мардумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи

## Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 тобақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;  
Котибит 233-10-28; Ўйлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўламақлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.15 Топширилди — 22.00

1 2 3 5